



ИИОДА СИТУАЦИОН ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Б.А. Абдушукуров

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ташкилий департаменти

Ситуацион-таҳлилий

марказ бўлим бошлиғи подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8429454>

ARTICLE INFO

Received: 05th Oktober 2023

Accepted: 10th Oktober 2023

Online: 11th Oktober 2023

KEY WORDS

Ergonim, ergonomiya, turizm, onamastik makon, obyekt, nominator, nominatsiya.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги кунда ИИОда навбатчилик қисми ва СТМ персоналларининг ўзаро ҳамкорлида йўл қўйилаётган ҳато ва камчиликларни, сабаб-шароитларини бартараф этишда Ички ишлар органлари иштироки илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган бўлиб, керакли таклифлар ва мулоҳазалар берилган.

Ситуацион-таҳлилий марказ (кейинги ўринларда СТМ деб аталади) – ички ишлар соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишга ахборот-таҳлилий кўмаклашувчи, ягона платформа негизида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш, шу жумладан вазият мураккаблашганда ёки фавқулодда вазиятларда манфаатдор давлат органлари билан тезкор ахборот алмашув ҳамкорлигини таъминловчи, куч ва воситаларни бошқарилишини мувофиқлаштирадиган доимий фаолият юритадиган марказий таркибий тузилма;

ситуацион-таҳлилий марказлар тизимининг персонали – Марказ ва унинг функционал ҳамда ҳудудий тузилмаларининг бўлинмаларида доимий аснода хизмат фаолиятини олиб борувчи штатли ходимлар, шунингдек шартнома асосида жалб этилган тор ихтисослик бўйича профессиона-мутахассислар ва хизмат ўташ режимига мувофиқ навбатчилик асосида сменаларга жалб этиладиган ИИО соҳавий хизмат ходимлари (мутахассислари) ҳамда мутасадди давлат органлари ва идоралари мутахассислари мажмуи.

тезкор вазият – муайян ҳудуд ва вақт кесимидаги таҳлил учун зарур бўлган жиноятчилик ва маъмурий деликт (ҳуқуқбузарликлар йиғиндиси), жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолатининг миқдорий ва сифат хусусиятлари тизими билан ифодаланган ҳамда улар билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий-демографик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва барқарорлаштирувчи ёки беқарорлаштирувчи омиллар, шунингдек кўрилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг самарадорлик баҳоси;

кундалик фаолият режими – СТМТга кирувчи марказий, функционал ва ҳудудий тузилмаларнинг оддий иш тартиби бўлиб, унда жорий тезкор ва криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш бўйича ИИО зиммасига юклатилган жамоат



хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича вазифалар ва зарурий чора-тадбирлар ижроси бўйича режа асосида ташкил этилган хизмат ўташ тартиби.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида аҳолига онлайн электрон хизматлар, мураккаб вазиятларда шошилиш ва манзилли ёрдам кўрсатиш, жамоат хавфсизлигининг куч ва воситаларини масофавий бошқаришни автоматлаштириш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда янги ахборот технологияларини татбиқ этишга мустақкам замин яратилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва таҳдидлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликни жилавланда замонавий ечимларни кенг татбиқ этиш, айниқса сунъий интелект технологиялари ёрдамида вазиятларни тезкор таҳлил этиш ва ситуацион бошқарув амалиётини йўлга қўйиш вазифаси юклатилмоқда.

Жумладан, ҳуқуқ тартибот фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, ситуацион таҳлил ва интеграция жараёнлари асосида давлат органлари ўртасида мақсадли ҳамкорликни ўрнатиш, соҳа ходимларида ахборот технологиялари билан ишлаш маҳоратини шакллантириш механизмлари долзарб бўлиб қолмоқда.

Инсон ҳуқуқлари-олий қадрият эканлиги, 2022 йил 20 декабрь кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида такрор-такрор айтилган сўз бу инсон ҳуқуқига яъни *“Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият”* айтиб ўтди. Шу ўринда гапимизни давомийлиги сифатида эътибор қаратишимиз лозим бўладики, шу боис, кириб келаётган янги, 2023 йилга юртимизда *“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”*, деб ном берилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон² ва 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон³ фармонларига мувофиқ, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ҳозирги замон босқичида инсон, унинг кадр- қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида тан олинган. Инсон ҳуқуқлари, унинг устуворлиги жамиятда яшаш қоидаларига риоя этишда фуқаролар ўртасида ҳайрихоҳ муносабатлар йўлга қўйилишини, вояга етиб келаётган авлодни тарбиялашда ғамхўрларча муносабатда бўлишни, аҳоли саломатлигини таъминловчи шарт-шароитлар яратиш беришни заруратга айлантиради. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар томонидан жамиятдаги хулқ- атвор, хавфсизлик қоидаларига ва аҳоли

¹ Ўзбекистон Республикаси президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 20.12.2022 йил

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони// <https://lex.uz/uz/docs/5749291//25.09.2023> й.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони// <https://lex.uz/docs/5841063//25.09.2023> й.



саломатлигини сақлашга қаратилган қоидаларга риоя этилишини тақозо қилади. Дарҳақиқат, ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига эга бўлган юртимизда инсон ҳуқуқларини кафолатловчи кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалда ўз ижросини топмоқда. Шу билан бир қаторда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг ҳам асосий мақсади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, *"Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичидаги энг муҳим йўналишларидан бири бу - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир"*⁴. Шу ўринда айтиш мумкинки, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ўз навбатида, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштиришга қаратилган бир қанча вазифаларни амалга оширишни ҳам тақозо этади. Бу вазифалар қаторига жиноят қонунчилигида белгиланган жамоат тартиби жиноятлар учун жавобгарлик асослари ва унинг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштириш ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-379-сон қарорига⁵ мувофиқ жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишда тезкор ситуацион-таҳлил асосида ягона интеграллашган ахборот платформада ҳуқуқ-тартибот органлари ва фақулудда шошилиш хизматлар билан узвий ҳамкорликда ички ишлар органлари Ситуацион-таҳлилий марказлари ягона тизимига кирувчи тузилмаларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсади навбатчилик қисми ва СТМ персоналларининг ўзаро ҳамкорлини янада ошириш бўйича бир қанча ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Марказнинг ахборот тизимлари ва ресурслари рўйхати (реестри)ни шакллантиради, ахборот технологиялари имконияти ҳисобига уларни мақбуллаштириш бўйича таклиф киритади;

Ягона платформадан самарали фойдаланиш методологияси ҳамда ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг ўзаро интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш таклифларини ишлаб чиқади;

Марказ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация ва сунъий интеллект технологияларни, янги ахборот-таҳлилий моделларни ўз вақтида ва талаб даражада жорий этилишини ташкиллаштиради;

Марказни технологик таъминоти бўлинмалари, шу жумладан администраторлар гуруҳи фаолиятини ташкиллаштиради, назорат қилади;

⁴ Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик қондаси бўлиши керак. Ш.М.Мирзиёев 56-бет.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-379-сон қарор.



Марказнинг ягона платформасини модернизация қилиш ва ривожлантириш борасида ташкилий-техник ишларни ташкиллаштиради;

Ситуацион-таҳлилий марказлари тизими (кейинги ўринларда – СТМТ)га шартнома асосида жалб этилаётган тор ихтисослик бўйича профессионал-мутахассисларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюктурасини ўрганади, иш ҳақи миқдорини белгилаш борасидаги таклифларни ишлаб чиқади;

Марказ бўлинмалари ҳамда жалб этилган вакилларнинг хизматини тегишли навбатчилик сменасида ташкил этади ва назорат қилади;

навбатчиликни топшириш ва қабул қилишда автоматлаштирилган иш жойлари, аппарат-дастурий ва телекоммуникация воситаларининг тўлиқлиги ва ишчанлигини назорат қилади;

навбатчилик сменасига йўриқномани тайёрлайди ва ўтказади;

Марказ бўлинмалари ҳамда жалб этилган вакиллар ўртасида тезкор вазифаларни тақсимлайди ва ишининг натижаларини сарҳисоб қилади;

Марказ персоналининг ҳамда жалб этилган вакилларнинг тааллуқлилиги бўйича ИИО, манфаатдор давлат органлари ва идоралар билан ўзаро ахборот алмашиш тартиби (регламенти) асосида хизмат олиб бораётганини реал вақт режимида назорат қилади;

тезкор вазият мураккаблашганда ёки фавқулодда вазиятда Марказ персонали ҳамда жалб этилган вакилларнинг хизматини ташкил этади, функционал ва ҳудудий тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ИИО марказий ва ҳудудий навбатчилик қисмларига шов-шувга сабаб бўладиган, мудҳиш, оғир ва ўта оғир жиноят ва ҳодисалар ҳақида хабар (маълумотлар) келиб тушганда дарҳол зарурий чора-тадбирларни кўрилишини назорат қилади;

дастурий-техник воситалар ва аппарат-дастурий таъминотда носозликлар юзага келганда Марказ фаолиятини авария режимида ташкиллаштиради, функционал ва ҳудудий тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш орқали барқарор фаолиятини таъминлайди;

Марказнинг технологик таъминот бўлинмалари томонидан дастурий-техник воситалар ва аппарат-дастурий таъминотда юзага келган носозликларни бартараф этилганлигини текширади;

Марказ мажмуини такомиллаштириш, ягона платформани ахборот тизимлари (ресурслари)ни модернизация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Марказнинг технологик таъминот бўлинмалари томонидан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида зиммасидаги вазифаларни талаб даражада бажарилишини таъминлайди;

Марказда навбатчи смена персонали, эксплуатация қилиш ва технологик таъминот бўлинмалари ҳамда жалб этилган вакилларни дам олиш, овқатланиш ва ишлаш режимини ташкил этади;

Марказни эксплуатация қилиш ва технологик таъминот бўлинмалари ҳамда жалб этилган вакиллари томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя этишларини, ахборотни ҳимоя қилиш чоралари кўрилаётганлигини назорат қилади;



Марказни эксплуатация қилиш ва технологик таъминот бўлинмалари ҳамда жалб этилган вакиллар томонидан иш ва маиший жойда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик талаблари ва тартиб интизомга риоя этишларини назорат қилади;

Марказни эксплуатация қилиш ва технологик таъминот бўлинмалари ҳамда жалб этилган вакиллар томонидан ахлоқ меъёрларига, касб одоби ва маданиятига риоя этишларини назорат қилади;

махсус аппарат-дастурий воситалар ёрдамида марказий ва ҳудудий ИИО навбатчилик қисмлари, зарурат бўлганда мансублиги бўйича фавқулодда шошилиш ва авария-қутқарув хизматлари навбатчи-диспетчерлик хизматларини (автоматлашган бошқарув дастурий модул бўлган ҳолларда) содир бўлган жиноят ва ҳодисалар, фавқулодда вазиятлар юзасидан тезкор чора кўрилганлик (муносабат билдирилганлик) фактини назорат қилади;

содир бўлган жиноят ва ҳодисалар, фавқулодда вазиятлар юзасидан муносабат билдириш жараёни мониторинги натижалари бўйича ҳисоботларни қабул қилади;

СТМТ субъектлари фаолияти кўрсаткичларини, шу жумладан KPI – Key Performance Indicators (самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари) мезонлари бўйича аппарат-дастурий таъминоти ёрдамида реал вақт режимида назорат қилади;

СТМТ субъектлари фаолиятини талаб даражада хизмат кўрсатишини назорат қилади;

СТМТ субъектлари фаолияти кўрсаткичлари пасайиши сабаблари, таъсир қилаётган ҳолатларни таҳлил қилиш орқали барқарор ишлашини таъминлаш чоралари кўради, Марказ координатори ва ИИВ раҳбариятини хабардор қилади;

йўл қўйилган камчилик ёки бошқа иш фаолиятига тааллуқли ҳолатлар бўйича хизмат текшируви ўтказилган персоналга нисбатан унинг ҳаракатларини бошқариш бўйича зарурий чоралар кўради;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўради, коррупциянинг ҳар қандай кўринишини олдини олиш чораларини кўради.

References:

1. 20.12.2022 йилдаги Ўзбекистон Республикаси президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-379-сон Қарор.